

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Термиз давлат университети

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ


МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ КАФЕДРАСИ

МАКТАБГАЧА ПЕДАГОГИКА

Курс ишларини тайёрлаш

бўйича

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА



ТЕРМИЗ- 2013

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ КАФЕДРАСИ

МАКТАБГАЧА ПЕДАГОГИКА

Курс ишларини тайёрлаш
бўйича
УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

*Мактабгача таълим 4 курс талабалари учун
услубий йўриқнома*

Термиз -2013

Мазкур услубий кўрсатма 5141700- мактабгача таълим ва болалар спорти таълим йўналиши талабалари учун «Мактабгача педагогика» фанидан курс ишларини тайёрлаш учун мўлжалланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 7 мартдаги 61-сонли буйруғи билан тасдиқланган. “Олий таълим муассасаларида курс ишисини бажариш тартиби ҳақида НИЗОМ” асосида ишлаб чиқилган. Талабалар мактабгача ёшдаги болаларнинг маънавий, жисмоний, ақлий – ахлоқий, иқтисодий, ҳуқуқий, экологик таълимини амалга оширишнинг метод ва воситалари, Ўзбекистонда ижтимоий мактабгача таълимни ташкил этишнинг асосий босқичлари, асосий хусусиятлари ва мактабгача таълим бўйича юқори малакали раҳбар, методист-назоратчи ва тарбиячиларни тайёрлаш вазифалари, методлари, халқ таълими бўлимининг асосий вазифалари, методик раҳбарлик қилиш тамойиллари каби масалалар бўйича курс иши тайёрлайдилар.

Услубий кўрсатмада “Мактабгача педагогика” фанидан талаба томонидан тайёрланадиган курс ишида эътибор бериши зарур бўлган жиҳатлар ёритилган, эгаллаши зарур бўлган билимларни амалда ўрганиш ва таҳлил қилиш назарда тутилган.

Тузувчилар:

Норбошева М.О. – Термиз давлат университети мактабгача таълим кафедраси доценти, психология фанлари номзоди.

Бердиева М.М. - Термиз давлат университети мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси

Такризчилар:

Бозорова М.Қ.– Термиз давлат университети “Умумий педагогика” кафедраси мудир, педагогика фанлари номзоди, доцент.

Ҳасанова З.Т. - Термиз давлат университети мактабгача таълим кафедраси катта ўқитувчиси.

Ушбу малакавий амалиёт дастури мактабгача таълим кафедрасининг 2013 йил 28 августдаги 1-йиғилишида муҳокама қилинган ва университет илмий-услубий кенгашига тасдиқлаш учун тавсия этилган.

Кириш

Ҳозирги вақтда олий таълимни қайта қуриш, уни ишлаб чиқариш билан янада кўпроқ яқинлаштириш ишлари олиб борилаётган бир шароитда фан ва назарияга асосланган билимга, амалий малакаларга эга бўлган ва янги замонавий вазифаларни муваффақиятли ҳал қила боришга лаёқатли мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон республикаси ўзининг таълим соҳасидаги сиёсатида олий ва ўрта махсус муассасаларда мутахассислар тайёрлаш мазмунини халқимизнинг узоқ муддатли эҳтиёжлари билан, республикамизни ижтимоий, иқтисодий ривожланиш вазифалари билан мувофиқ ҳолга келтиришни таълимнинг хилма-хил шакллари ва усуллари ёрдамида ёшларнинг сифатли таълим олиши учун шароит яратишни долзарб вазифалардан бири деб ҳисобланмоқда.

Шундай экан, мутахассислик фанлардан тайёрланадиган курс ишлари ҳам бўлғуси мутахассислар тайёрлашда асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Талабаларнинг мактабгача педагогикага оид билимларини ўзлаштириб боришлари юзасидан олиб бориладиган ишларни мақсадга мувофиқ ташкил этиш ва мустақил ишлаш кўникмаси туфайли талабалар мактабгача педагогикадан мукаммал билим оладилар. Талабалар курс ишларини тайёрлашда кўпгина қийинчиликларга дуч келишлари мумкин.

Курс иши талаба фаолиятининг муҳим ва мураккаб шаклларида бири бўлиб, у ёки бу курсга оид билимлар тизимини мустақил ўзлаштиришни таъминловчи иш тури ҳисобланади. Курс иши ёрдамида талабанинг эгаллаган билим, кўникма ва малакалари илмий-методик фикрлаш, белгиланган мавзу юзасидан билганларини изчил баён эта олиш кўникмалари назорат қилинади.

Курс иши ёзаётган талаба мавзунини мукаммал ёритиши, мавзуга оид адабиётларни ўрганганлигини кўрсата олиши, мустақилликга амал қилиши, асосийси тегишли амалий тавсияларни ифода қилиши зарур.

Курс иши бевосита кафедра томонидан бириктирилган илмий раҳбар назорати ва йўлланмаси асосида амалга оширилади.

Илмий раҳбар курс иши бажарилиши жараёнида тегишли илмий-методик маслаҳатлар беради. Курс иши ёзиб тугатилгач деканатга топширилади. Деканат рўйхатдан ўтказиб раҳбарга топширади. Раҳбар 10 кун мобайнида текшириб, кафедрада ҳимоя қилишга топширади. Курс иши қуйидаги қисмлардан ташкил топади.

-муқова

-мундарижа

- кириш
- асосий қисм
- хулоса
- фойдаланилган адабиётлар рўйхати.
- иловалар(методикалар, суратлар, слайдлар, жадваллар ва ҳ.)

Курс иши ҳажми 30-40 бетдан иборат бўлади.

Мазкур қўлланма эса шу хилдаги қийинчиликларни бартараф қилишга ёрдамлашади, ҳамда курс ишларини тайёрлаш борасидаги ишларни методик жиҳатдан тўғри ташкил этишга ёрдам бериш мақсадида тайёрлангандир.

Курс ишларини тайёрлаш жараёнида талабалар тавсия қилинаётган адабиётларини қунт билан ўрганиб чиқиши ҳамда назарий қисмни тайёрлаши кўзда тутилган. Амалий қисмда эса ўрганилаётган муаммони мустақил ҳолда назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиб, олинган натижаларни миқдор ва сифат таҳлил қилиши лозим. Талаба бажарган кичик тадқиқоти юзасидан тегишли хулоса тайёрлайди ва ўз мулоҳазаларини асослайди.

Курс ишлари асосан қуйидаги вазифаларни амалга оширишни кўзда тутлади.

- талабаларда мактабгача педагогикага доир адабиётлар устида мустақил ишлай олиш малакасини шакллантириш;

- талабаларни мактабгача педагогикасига доир амалий тадқиқотчилик малакалари билан қуроллантириш

- талабаларни мактабгача педагогикадан эгаллаган назарий билим ва амалий малакаларини педагогик жараёнга тадбиқ қила олишга ўргатиш:

- педагогик тадқиқот натижаларига таянган ҳолда мустақил хулоса чиқариш кўникмасини шакллантириш;

- талабаларда мактабгача педагогикасидан эгаллаган билимларини асосли, ишончли ва эркин баён қилиб бера олиш малакасини тарбиялаш;

Тақдим этилаётган кўрсатмалар ҳар бир талабанинг мактабгача педагогика фани ҳақидаги билим ва малакаларини янада чуқурроқ ўзлаштирилиши учун катта имкониятлар яратишига аминмиз.

Курс ишининг мақсади

Курс ишини бажаришдан мақсад- ўқув режасида кўзда тутилган муайян фан бўйича маъруза, тажриба ва амалий машғулотларда олинган назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш, умумлаштириш ва ушбу билимларини мактабгача педагогика масаласини мустақил ечишда қўллашдир.

Курс ишилари тизими орқали талаба мураккаброқ масалани малакавий битирув ишини бажаришга тайёрланади. Шу билан бир қаторда курс иши талабада давлат стандартлари, соҳа муаммолари, йўриқномалар ва

муқаддам эгалланган тажрибалардан фойдаланиш кўникмасини шакллантиради. Шунингдек, курс иши талабаларда тадқиқотчилик ишларини бажариш, мактабгача таълимга оид масалаларни амалий таҳлил қила олиш, курс ишини расмийлаштириш кўникмаларини ҳосил қилиши лозим.

Курс ишининг асосий вазифалари:

талабаларнинг маъруза, тажриба ва амалий машғулотларда, мустақил фаолиятда олинган назарий ва амалий кўникмаларни амалий ишларни бажаришда қўллаш олишини намоиш этиш;

талабаларда меъёрий, маълумотнома ва бошқа адабиётлардан фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилиш;

мустақил фикрлаш ва энг мақбул техник ечимларни қабул қилишга ўргатиш;

ахборот технологиялар воситасида ўз ишини такдимот (ҳимоя)ни ўтказиш, унда курс ишисини бажариш жараёнида эгалланган натижаларни ишончли далиллар билан асослаш, ўзини дадил тута олиш, турли техник воситалар ва уларнинг дастурларидан фойдалана олиш қобилиятини кўрсатиш;

ўқув жараёнида шаклланган коммуникатив кўникмаларини намоиш этиш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила олиш ва муросага келиш, мулоқотга қўшилиш, иши бўйича саволларга асосланган жавоб бериш, этика қоидаларига риоя қилган ҳолда баҳслашиш, музокаралар ва давра суҳбатларида қатнашиш имкониятини намоиш этиш;

талабаларда гуруҳ билан ишлаш кўникмаларини фаоллаштириш, олдинга қўйилган мақсадни бажариш бўйича ташаббус кўрсатиш қобилиятини кенгайтириш, умумий масалаларни ечишда ҳамкорлар билан ишлаш кўникмаларини мустаҳкамлаш;

мустақил ижодий ишлаш, маълумотларни излаш, йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш учун замонавий компьютер ва ахборот технологиялардан фойдалана олиш, ишлаш жараёнини тўла ниятига етказиш масъулиятни хис этишга ўргатиш.

Курс ишида қуйидаги масалалар ечими кўрсатилиши лозим:

бажарилаётган ишининг мақсади ва вазифаларини аниқ ифода этиш;

иши объекти ва услубини аниқлаш;

тадқиқот кўрсаткичларини асослаш;

амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ва тегишли хулоса тайёрлаш;

Курс ишлари мавзулари

Курс ишини бажаришда муҳим масалалардан бири унинг мавзусини тўғри аниқлашдир.

Курс ишларининг мавзулари мазкур фаннинг ўқув вазифасига жавоб бериши билан бир қаторда мактабгача педагогика фани ва мактабгача таълим соҳасининг долзарб муаммолари билан боғлиқ бўлиши лозим. Қуйида мактабгача педагогика фани юзасидан намунавий мавзулар келтирилмоқда.

- 1.Мактабгача педагогика фанининг назарий ва амалий вазифалари.
- 3.Мактабгача педагогика фанининг илмий-тадқиқот методлари.
4. Кузатиш ва унинг турлари
- 5.Педагогик эксперимент ва уни ташкил этиш.
- 6.Болалар ижодини ўрганиш методи.
- 7.Педагогик тажриба турлари(ташкил этиш шароитига кўра)
- 8.«Болажон » таянч дастурида мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйилаётган талаблар(турли ёш гуруҳларда).
- 9.Дастур мазмунини бажаришда тарбиячиларга қўйилаётган талаблар ҳақида.
- 10.Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблар.
- 11.Ҳар бир ёш гуруҳда таълим-тарбиянинг ўзига хослигини инобатга олиш.
- 12.Бутун дунё болалар ҳуқуқлари Конвенцияси.
13. Конвенция тузилиши, бўлим ва бандлари ҳақида.
- 14.Конвенциянинг Ўзбекистонда қабул қилиниши тарихи.
- 15.ХТМлари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари.
16. Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими Низоми.
- 17.Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва унинг моҳияти
- 18.Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
- 19.Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари
- 20.Кадрлар тайёрлаш миллий моделини ҳаётга тадбиқ этиш ишининг аҳамияти
- 21.Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасалари турлари.
- 22.Анъанавий МТМлар фаолияти.
- 23.Хонадон МТМларини ташкил этиш.
24. Боғча-мактаб мажмуалари фаолияти .
- 25.Нодавлат МТМлари фаолияти ҳақида.
- 26.Саводхонлик марказлари вазифалари.
- 27.Шанба-якшанбалик гуруҳлари.

28. Мактаб қошидаги гуруҳлар фаолияти ҳақида.
29. МТМлар фаолиятини тартибга солиш ва назорат.
30. Ўзбекистонда Мактабгача таълим тўғрисидаги Низом.
31. Мактабгача таълим тўғрисидаги Низом тузилиши ва мазмуни
32. Таълим тўғрисидаги қонуннинг мактабгача таълимга оид моддаси мазмуни
33. Форобий «Бахт-саодатга эришиш тўғрисида» асари
34. А.Авлоний асарларида бола шахсини шакллантиришга оид ғоялар
35. А.Навоий асарларида бола шахсини шакллантиришга оид ғоялар
36. Илк ёшлилар таълим-тарбияси ҳақида.
37. Илк ёшли болалар ривожланиши таснифи.
38. Илк ёшда шахс сифатларини тарбиялаш.
39. Илк ёш гуруҳида олиб бориладиган машғулотлар
40. Илк ёшлилар ҳаётида ўйин фаолияти.
41. Илк ёшда таълимий ўйинларни ташкил этиш
42. Илк ёшда дастлабки “мен” тушунчасига муносабат
43. Илк ёшда жисмоний тарбия мазмуни
44. Илк ёшда чиниқтириш ва соғломлаштириш.
45. Илк ёшда ахлоқий сифатларини тарбиялаш
46. Илк ёшда мустақил фаолиятга ўргатиш
47. Илк ёшда маданий-гигиеник малакаларни таркиб топиши
48. Илк ёшлилар гуруҳида ўйинларни ташкил этиш
49. Илк ёшли гуруҳларида сайрларни ташкил этиш
50. Илк ёшда сенсор тарбия мазмуни ва аҳамияти
51. Мактабгача ёшдаги бола шахсини томонлама камол топтириш
52. Мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний томонидан соғлом қилиб тарбиялашнинг аҳамияти
53. Ота-оналар йиғилишларини ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси
54. Сурхондарё вилоятида мактабгача таълим муассасаларининг бугунги ахволи ва истикболлари

Курс ишини ташкиллаштириш

Курс ишига раҳбарлик талабага топшириқ беришдан бошланади.

Иши топшириғини беришда асосий босқичларни бажариш вақтлари кўрсатилган жадвал тавсия қилинади. Курс ишиларини тақдим этиш муддатлари ОТМ раҳбарияти томонидан мазкур йўналиш ўқув режасига мос ҳолда белгиланади.

Курс иши топшириғи иш раҳбари имзоси билан берилади, кафедра журналида берилган кун санаси қайд қилинади.

Курс ишининг аҳамияти, унга қўйиладиган талаблар, амалий қисмининг таркиби ва ишини расмийлаштириш, топшириқни бажариш бўйича умумий топшириқлар, унинг ҳажмига бўлган талаблар ҳақидаги маълумотлар мазкур фан бўйича кириш маърузаси ўқилганда тушунтирилади.

Курс иши, зарурий услубий қўлланмалар, маълумотномалар, махсус адабиётлар ва курс иши намуналари билан таъминланган махсус тажриба майдончаларида (МТМ) ва аудитория хонасида бажарилади.

Курс ишининг раҳбарлари олдига қуйидаги вазифалар қўйилади:

талабага курс ишини бажаришда бевосита раҳбарлик қилади.

раҳбар курс ишининг режасини талаба билан биргаликда тузади ва мақсадини аниқлаб, талабанинг ижодий изланишларини мазкур режага мувофиқлаштиришга ёрдам беради.

талаба билан биргаликда илмий тадқиқот усулларини аниқлайди, ўтказилиши зарур бўлган экспериментлар методикасини, ўтказилиши муддатларини муҳокама этади.

раҳбар талаба билан биргаликда курс ишини бажаралиши жараёнини таҳлил қилади, у томондан ишлатиладиган илмий атамалар, шартли белги ва символларнинг қўлланилиш тартибга риоя қилинишини назорат қилиб боради.

Курс ишлари амалдаги меъёрий талаблари асосида тайёрланади ва бу талабанинг келгусида илмий ишларини бажариш малака ва кўникмаларини тўла шакллантиришга ёрдам беради.

Раҳбарлар томонидан кўриб чиқилган ва ёзма равишда хулосаланган курс ишлари семестрдаги рейтинг сессиясидан 10 кун олдин кафедрага топширилади. Кафедра мудирини курс ишни тақриз қилиш учун етакчи доцент ёки ўқитувчига топширади.

Курс иши топшириқлари

Мактабгача педагогика фани бўйича

Гуруҳ _____ талаба _____
 раҳбар _____

ТОПШИРИҚ

1. Ишланадиган мавзу _____

2. Илмий манбалар _____

3. Назарий қисмининг тузилиши

4. Амалий қисмининг тузилиши

5. Қўшимча вазифа ва кўрсатмалар _____

6. Курс ишини бажариш режаси _____

1	2	3	4	5	Химояланди

Раҳбар _____

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
Педагогика факультети Мактабгача таълим кафедраси
КУРС ИШИГА МУЛОҲАЗА

Талаба _____

Мавзу _____

1. Мавзунинг долзарблигини асослаш _____

2. Қисмлар бўйича бажарилган иш тавсифнома (ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, замонавий – илмий услублардан фойдаланганлиги) _____

3. Муаллиф ишга баҳо (мустақиллиги, интизомлилиги ва бошқалар) _____

4. Умумий хулосалар (ишнинг топшириққа мос келиши, талаб даражасига жавоб бериш, химояга қўйилиш имкони) _____

«_____» _____ 2013 йил

Рахбар _____

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
Педагогика факультети Мактабгача таълим кафедраси
КУРС ИШИГА ТАҚРИЗ

Талаба _____

Мавзу _____

1. Мавзунинг долзарблигини асослаш _____

2. Ишнинг таркибини баҳолаш _____

3. Мавзунинг баҳоланиши ва унинг афзаллик томонларини кўрсатиш _____

4. Ишда фойдаланилган адабиётларга баҳо бериш _____

5. Илмий мунозара юритиш қобилиятига баҳо бериш _____

6. Хулоса ва таклифларнинг очиқлиги ва далилларга асосланганлиги _____

7. Ишни расмийлаштиришнинг талаб даражасига жавоб бериш _____

8. Ишдаги камчиликлар _____

9. Муаллифнинг қайси таклифини ишлаб чиқаришга жорий этиш мақсадга мувофиқ _____

10. Ишнинг қўйилган талаб даражасига мос келиши тўғрисида хулоса _____

Тақризчининг (Ф.И.Ш.) иш жойи, унвони _____

Курс ишининг ҳимояси

Курс иши сифати ва уни бажаришдаги талабанинг фаоллиги, билим ва кўникмаларини баҳолашнинг ўзига хос шаклларида бири ишнинг ҳимоясидир. Бажарилган ишни чуқур тушуниши, таклиф этилган ечимларни ҳар томонлама асослаб бериши қобилиятини шакллантиришда курс ишининг ҳимояси муҳим ўрин тутди. Курс иши ҳимояси кафедра томонидан белгиланган 2-3 ўқитувчидан ташкил топган ҳайъатда, курс иши раҳбари ва гуруҳ талабалари қатнашувида ташкил қилинади. Очiq ҳимоя гуруҳ талабаларига шу гуруҳ аъзолари томонидан бажарилган ишлар билан танишишига имконият бериши билан бир вақтда, иши раҳбарларини ҳимоя қилиниётган ишиларга бир хил талаб билан ёндашишга олиб келади.

Курс ишларининг ҳимояси кафедра аъзоларидан тузилган кичик ҳайъат (раҳбар, 1 та аъзо, 1 та оппонент) иштирокида ўтказилмоғи лозим.

Курс иши оппонентлик қилган шахснинг ёзма тақризида ишнинг қиймати, унинг белгиланган талабларга жавоб бериш даражаси кўрсатилган бўлиб, у курс ишининг баҳоланишида муҳим ўрин тутди.

Мактабгача педагогика фанидан курс ишини баҳолаш мезони

Ҳимоя талаба томонидан бажарилган курс ишиси бўйича 8-10 минутли маъруза ва савол жавобдан иборат бўлади. Маърузада ишнинг моҳиятини талаба ҳар томонлама ёритиб бериши керак. Саволлар ҳимояда қатнашаётган профессор-ўқитувчилар томонидан берилади.

Курс иши 100 баллик тизимда баҳоланади. Ўрнатилган жадвал бўйича бажарилган ва талаблар бўйича сифатли расмийлаштирилган курс ишини энг кўпи билан 40 балл, ҳимоя вақтидаги маъруза учун 30 балл ва берилган саволларга жавобларга 30 балл ажратилади.

№	Мезонлар	Максимал балл	Талабаларнинг тўплаган бали
1	Адабиётлар устида ишлаш	0-10 балл	____ - балл
2	Назарий қисмининг тайёрланиши	0-10 балл	____ - балл
3	Амалий қисмининг расмийлаштирилиши	0-15 балл	____ - балл
4	Хулоса ва тавсияларнинг ишлаб чиқиш даражаси	0-5 балл	____ - балл
	Жами	40 балл	____ - балл
Курс иши ҳимоясининг баҳоланиши			
1	Талабаларнинг ҳимоя қилиш даражаси, баён этиши.	0-30 балл	____ - балл
2	Саволларга аниқ ва тўлиқ жавоб бериши.	0-30 балл	____ - балл
3	Жами:	60 балл	
	Ҳаммаси:	100 балл	

***Курс ишини тайёрлашда талаба қўйидаги адабиётлардан
фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, соҳа бўйича янги манбаларга
таяниб материаллар йиғиш тавсия этилади.***

- 1.Каримов И.А. Юксак маънавият –енгилмас куч. Тошкент.,2008
- 2.Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., 2011
3. Ўзбекистон Республикаси мактабгача тарбия Концепцияси. Т. 1992.
- 4.П.Юсупова. Мактабгача тарбия педагогикаси. -Т., «Ўқитувчи» 1993.
- 5.О.У.Хасанбоева ва бошқалар. «Мактабгача таълим педагогикаси». Т.,«Илм зиё» 2006.
6. “Болажон”. Таянч дастури. Т., "Маърифат мададкор", 2002 й.
- 7.В.И.Логинова, П.Г.Саморуковалар тахрири остида «Мактабгача тарбия педагогикаси» . «Ўқитувчи» Т., 1991 й.
- 8.У,Отавалиева. Бола тарбиясида боғча ва оила ҳамкорлиги. «Ўқитувчи» Т.,1994 й.
- 9.Н.У.Бикбаев, Х.Н.Косимова, З.Ибрагимова. Мактабгача ёшдаги болаларда математик тасаввурларни шакллантириш. «Ўқитувчи»Т., 1995 й.
- 10.М.Даминов, Т.Адамбекова. Ўйин машғулоти. «Ўқитувчи» Т.,1993 й.
- 11.Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари. Т., 2010. Тузувчилар Расулова.М, Абдурахмонова.Х ва бошқалар. Интернет маълумотларини олиш мумкин бўлган сайтлар
www.bilimdon.uz.
www.de.uz.
www.tatu.uz
www.ziynet.uz.

Қайдлар учун

This image shows a full page of primary-ruled notebook paper. It features multiple sets of horizontal dashed lines for writing, each set bounded by solid lines at the top and bottom. The margins are consistent throughout the page.

